

ПАРЛАМЕНТ МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЎТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА

Фаруҳа МУХИДИНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари

Жорий йилнинг 6 декабрь кuni ўзини бошлайдиган иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси мамлакатимиз ва дунёда таркиб топган сифат жиҳатидан янги ижтимоий-сиёсий вазиятга ўтади. Мамлакат мустақил ривожланган ўн йил мобайнида миллий давлатчилик органлари, демократия ва ҳуқуқий фуқаролик жамияти институтлари, бозор муносабатлари мустақам қарор топди. Ўзбекистон аграр секторини ривожлантириш билан бир қаторда, оғир ва енгил саноат, автомобилсозлик ва машинасозлик соҳаларида, замонавий илмий-технологияларни ўзлаштиришда ўзгаришлар юз берди. Бугунги иқтисодиётимизда бундан ўн йил муқаддам биз ҳатто озу ҳам қилишимиз мумкин бўлмаган тармоқлар пайдо бўлди.

Бироқ, энг муҳим жиҳати шундаки, одамларнинг тафаккури тубдан ўзгарди. Фуқароларимиз оғирлашган мустақиллик ва ватанпарварлик, демократия ва ҳаққимизнинг маънавий-ахлоқий қадриятларини тиклаш ҳамда янги жамиятни барпо этиш йўлида чучук илдиришди. Мамлакатимиз аҳли кенг қўлда олиб борилаётган ислохотларни қўллаб-қувватламоқда, ўз яратувчилик меҳнатини билан халқ тўғрисида фаровонлигининг ошмишига, умуман, бутун давлатимиз қудратини таъминлашга интиломоқда.

Мамлакатимизда Президент И.А.Каримов томонидан илгари сурилган XXI асрда Ўзбекистонни тараққий эттиришнинг стратегик дастурини амалга ошириш йўлида қилгани олиб боришмоқда. Ислохотларни янада чуқурлаштириш, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш йўли давлат бошқарувининг самарали тизimini яратишга, ҳўжалик юрutiвчи субъектлар, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ҳаққ тўғрисида эркинликлар беришга қаратилган. Бу ўринда гап аҳолининг кенг қатламлари ташаббускорлигини имкони борича кўпроқ намойиш этиш, уни мамлакатимизнинг янги ҳаётига жалб этиш ҳақида бормоқда.

Одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти, сиёсий фаоллиги оксабиди боргани сари, давлат вазифаларини нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бошқича-бошқича ўтказиб бориш зарур, — деб таъкидлаган эди И.А.Каримов иккинчи чақирик Олий Мажлисининг биринчи сессиясида қилган маърузасида. Фуқаролик жамиятининг мустақам асосларини барпо

(Давоми 2-бетда).

БЛОКДА

Кеча Сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блокнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда давлат блок раҳбари Акмал Саидов сессия кун тартибига киритилган масалалар билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди. Шунингдек, республика молия вазири М.Нурмуродов бўлажак сессия муҳофазатига киритилаётган Давлат бюджетининг 2002 йилги лойиҳаси юзасидан ахборот берди. Блок аъзолари айна масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, сессия кун тартибининг бир овоздан маъқуллашди.

Йиғилишда блокнинг 2001 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот ҳам тинилди. Келтирилган маълумотларга кўра, мазкур блок парламент режасида белгиланган қўнун лойиҳаларини меърига етказиб, бу жараёнда қўнунларнинг халққаро андозларга мувофиқлигини таъминлаш, сессияларда қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳияти билан аҳолини батафсил таништиришга алоҳида эътибор берган.

Йиғилишда қўнунлар масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Партия фракцияларида

4 декабрда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлисида фракцияси аъзолари сессияда йиғилишга тўпландилар. Фракция раиси Изидор Комарик уни очар экан, навбатдаги сессия муҳофазатига киритилаётган янги қўнун лойиҳаларининг аҳамияти ҳамда улар юзасидан партия ижроси қўнунларнинг муносабати хусусида фикр юритди.

Маърузачи ва сўзга чиққан депутатлар Олий Мажлис сессияси кун тартибининг, унинг муҳофазатига киритилаётган масалаларни асосан маъқуллаб, айрим қўнун лойиҳаларини юзасидан тақлиф-мулоҳазаларини билдиришга келишиб олдилар.

Йиғилишда сессия кун тартибига киритилиши мўлжалланган қўнун ҳужжатлари юзасидан фракциянинг умумий нуктаи назари маъқуллашди.

(Давоми 3-бетда).

Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларида

Кеча Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни қўмита раисининг ўринбосари Бахтиёр Панаев бошқарди.

Йиғилишда иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси еттинчи сессиясининг кун тартибига киритилиши мўлжалланган масалалар, жумладан, «Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги Давлат бюджет лойиҳаси ҳақида»ги масалалар доир қўшимча материаллар тўғрисида, «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Қўнун лойиҳаси ҳақида»ги (биринчи ўқишда), «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш қарорлари тўғрисида»ги Қўнун лойиҳаси ҳақида» (биринчи ўқишда), «Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги масалалар атрофида муҳофазат қилинди. Сўзга чиққан депутатлар мазкур масалаларнинг барчаси долзарб эканлигини таъкидлаб, бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдирилди.

Йиғилишда, шунингдек, қўмитанинг 2002 йилга мўлжалланган қўнунчилик ва назорат-таҳлил фаолияти режаси тасдиқланди.

Шу кун Олий Мажлисининг Қўнунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Демократик институтлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталарининг кўшма йиғилиши ҳам бўлди. Унда ўнга яқин масала муҳофазат қилинди. Қўмита йиғилишида давлат бошқариш органлари қўмиталарининг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталарининг қўшма йиғилиши ҳам бўлди. Унда ўнга яқин масала муҳофазат қилинди.

Йиғилишда қўмита аъзолари Олий Мажлисининг еттинчи сессияси кун тартибига киритилаётган масалалар лойиҳасини ҳам муҳофазат қилдилар. Шунингдек, қўмиталар раислари Акмал Саидов, Илгизар Собиров қўмиталарнинг Олий Мажлисининг еттинчи сессиясида еттинчи сессиясига бўлган даврдagi фаолияти юзасидан ҳисобот бердилар.

Қўнунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзолари йиғилиш кун тартибига киритилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қўнун лойиҳаси, Судьяларнинг малака ҳайратлари тўғрисидаги Низом лойиҳаси, Табиати муҳофазат қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги Низомга ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги Олий Мажлисининг қарори лойиҳасининг ҳамда қўмитанинг 2002 йил учун иш режаси тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар.

Олий Мажлисининг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси йиғилишида ҳам давлат сессия кун тартибига киритилаётган масалалар қўмита аъзолари томонидан маъқуллашди. Йиғилиши олиб борган қўмита котиби Шойра Умарова қўнун

(Давоми 3-бетда).

Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси еттинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси 6 декабрь кuni эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 5 декабрь кuni соат 9.00 дан 18.00 га қадар ва 6 декабрь кuni соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган депутатлар диққатига 5 декабрь кuni Олий Мажлисида соат 14.00 да — ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блоки йиғилишлари бўлади.



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат


ЖАМЛ Қ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиққа бошлаган



2001 йил 5 декабрь
Чоршанба
Сотувда эркин нархда
№ 245 (2807)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ



ПОЙТАХТИМИЗ КЎРКИ БЎЛАДИ

Мустақиллик даврида мамлакатимизда шаҳарсозликнинг миллий ва замонавий анъаналари ўзаро уйғунлашиб кетган кўп қабатли бинолар қад ростлади.



Юртимиздаги деярли барча шаҳарлар янгича қиёфа касб этмоқда. Бинолар тузилишининг бир-бирини айнан такрорламаслиги, аксинча бири иккинчисини ҳам шаклан, ҳам мазмунан тўлдириб бориши яхши анъанасига айланди. Айни пайтда мамлакатимизда шаҳарсозликнинг ўзига хос мактаби шаклланиб кетди. Бинолар мустақиллигининг иккинчи даражасида даврий ёдгорлиги сифатида авлодларимиз хотирасида сақланиши табиий. Сиз суратларда кўриб турган (суратлар муаллифи Нўрмоҳаммад Муҳаммадҷонов) янги консерватория биноси ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ва уни шаҳарсозлик санъатининг ўзига хос намунаси дейиши мумкин. Дарвоқе, яна бир уйдуклик: эртага очилаётган сессияда мамлакат парламенти Шаҳарсозлик кодексини лойиҳасини биринчи ўқишда муҳофазат қилади. Демак, шаҳарсозликнинг ҳуқуқий асослари ҳам ширшиб чиқмоқда. Ва бу юртимизда шаҳарсозлик соҳаси мукамаллик касб этаётганидан далолат беради.

Мамлакатимизда жамиятнинг маънавий янгилигини давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Зеро, миллатнинг келажиги, кўп жиҳатдан, маънавий баркамол авлоднинг тарбияшга боғлиқдир. Халқимиз келажаги буюк давлат қуришини ўз олдига мақсад қилиб қўйиб барборарида маънавияти юксак шахсларни камол топтиришдек улкан вазифани ҳам бажармоқда. Ушбу мақсадга, аввало, жамиятдаги барча ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий жараёнларни мувофиқлаштириш орқали эришилаётди.

Халқимизнинг асрий орзуси бўлган озодлик қўлга киритилган дастлабки кунларда ҳақ ҳўжалигининг барча соҳалари қаторида фан тараққиёти, айниқсан, инсон маънавий камолоти ва салохияти даражасини белгилаш, унинг ривожланиш тарихини ўрганиш асосида ҳозирги ва келажак авлодлар камолотини таъминловчи заминларни яратиш учун зарур шарҳ-шартлов вужудга келтирилди.

«Ўзбекистонда маънавият, маърифат, фан ва жамоатчилик фикри» деб номланган янги китобда ана шулар ҳақида сўз боради. Тўпламда республика Маънавият ва маърифат кенгаши Фан ва техника Давлат қўмитаси, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда миллий истиқлол мафқурасининг шаклланиш хусусиятлари», «Миллий ҳавфсизлик маърифати»,



БАҒРИКЕНГЛИК ТИНЧЛИК САРИ ЕТАКЛАЙДИ

Тошкентда Осие-Тинч океани минтақасида «Бағрикенглик тармоғи»нинг иккинчи анжумани бошланди.

Анжуман ЮНЕСКО ҳамда Ўзбекистон Республикасининг мазкур халқаро ташкилот ишлари бўйича Миллий комиссияси ҳамкорлигида ўтказилмоқда. Таъбирдан ўндан ортиқ мамлакатдан олимлар, сиёсат ва дин арбоблари, шунингдек, халқаро экспертлар, минтақавий тузилмалар ва ноҳукумат ташкилотлари вакиллари иштирок этмоқда.

Тинчлик ва бағрикенглик гоилари халқаро миқёсда муҳофазат қилина бошланганига унчагина кўп бўлгани йўқ, 1995 йил ЮНЕСКО ташаббуси билан БМТ томонидан бағрикенглик йили, 16 ноябрь эса Халқаро бағрикенглик кун, деб эълон қилинган эди. Ҳозирга келиб дунёнинг турли минтақаларида бағрикенглик, тинчлик маданияти гоиларини илгари сурувчи тузилмалар, ташкилот ва уюшмалар қўлламоқда.

«Бағрикенглик тармоғи»нинг илк йиғилиши 1996 йили Сеул шаҳрида бўлиб ўтган эди. Ушундан кейин Осие-Тинч океани минтақасида бағрикенглик ва тинчлик маданияти гоиларини илгари суриб, халқлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик ришталарини мустақамлаш масалалари муҳофазат қилинди. Тошкентда ўтаётган йиғилишда эса биринчи анжумандан кейин ўтган вақт ичида қилинган ишлар, ютуқ ва камчиликлари сарҳисоб қилинди. Шунингдек, «Бағрикенглик тармоғи»нинг истиқболдаги ишларини аниқ белгилаб олиш, ҳамкорлик усулларини тақомиллаштириш, тинчлик ва бағрикенглик тамойилларини ривожлантириш, бу йўналишда фаолият юритаётган тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида минтақавий тармоқнинг аҳамиятини юксалтириш масалалари кўрилади.

«Бағрикенглик тармоғи»нинг иккинчи анжумани Тошкентда ўтказилаётгани бежиз эмас. Марказий Осие минтақасида юздан ортиқ миллат ва элал вакиллари истиқомат қиладиган энг кўп миллати аҳоли Ўзбекистонидир. Қолаверса, Африқонистон ҳудудига нотинчлик ҳўкм сўриб турган бир пайтда минтақавий тинчлик ва бағрикенглик гоиларининг тарғиб қилиниши жуда муҳимдир.

Анжуманининг очилиш маросимида БМТ Бош котиби Кофи Аннан ҳамда ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Маэураунинг Халқаро бағрикенглик куну муносабати билан йўллаган мурожаатномаси ўқиб эшиттирилди.

6 декабрда давом этиладиган мазкур анжуманининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирининг ўринбосари, мамлакатимизнинг ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссияси раиси Х.Каримов сўзга чиқди.

Бобур СОБИРОВ,
ЎЗА мухбири.

МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ ВА ФАН

«Миллий маънавият — шахс қиёфаси» мавзуларида ўтказилган анжуманлар материаллари жамланган.

Китобан ўрин олган мақолалар фақат миллий го моҳияти, унинг ижтимоий ўрни, онгаги ўзгаришлар жараёнини тушунишнинг тайёр тавсиялари бўлмасдан, улар мазкур жараёнларни янада тақомиллаштириш борисида илмий баҳс ва мунозараларга қўлайди, янги-янги фикрлар ривожига йўл очади.

Маънавият ва маърифат, фан ва жамоатчилик фикри масалаларини илмий-назарий таъкид этиш, истиқлол мафқурасини шакллантириш, уни ҳаётга жорий этиш, аҳоли турли табақаларини онга сингдириш муаммоларига бағишланган мазкур илмий рисолада мамлакатимизнинг таъкид этишлари ва иқтидорли эи олимлари яратган.

(ЎЗА).

ТЕСТ СИНОВИ САРҲИСОБИ

Халқ таълими вазирида 2001 йил олий ўқув юртиларига кириш тест синови натижаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори М.Мухиддинов шу ҳақда маъруза қилди.

Йиғилишда Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан мустақиллигининг дастлабки йилларидан бери шундай бўлиб келган абурунларнинг ўзини ўзи қабул қилишда тест синовини қўллаш, таълимнинг сифатини юксалтириш, таълимнинг ширин, энг муҳими — билимли ёшларни тайيارлаш ижтимоий алоқани таъминлашга ҳизмат қилаётгани таъкидланди.

Кейинги йилларда Халқ таълими вазири ва Давлат тест марказининг умумий ўрта таълимнинг асосий тақомиллаштириш борисидаги ҳамкорлиги натижаси ўлароқ, шаҳар ва туман мактаблари биттиришларининг олий ўқув юртиларига кириш учун тайёрларлик даражаси ортди. 2001 йили умумий ўрта таълим мактабларини тугатган 314 миңдан ортиқ ўқувчининг ярмидан кўпроги олий ўқув юртиларининг талабалари бўлди.

Йиғилишда бу борада баъзи камчиликларга йўл қўйилганлиги ҳам қайд этилди. Жумладан, Республика таълим маркази ҳамда Педагогика

фанлари илмий таъкид институту Давлат тест маркази таълимда кўрсатиб ўтилган мўйайн фанларни ўқишда нисбатан паст натижалар кузатишган айрим ҳудудларга атайин илмий, услубий ва амалий ёрдам кўрсатмаганига эътибор қаратилди. Бу эса ўқитувчилар малакасини ошириш, ўқувчиларни дарслик ва қўшимча адабиётлар билан тўлиқ таъминлаш, таълим сифати ва даражасини юксалтириш, моддий-техника базасини янада мустақамлашга таъқоз эътиди.

Хўлқар СОДИҚОВА,
ЎЗА мухбири.

8 декабрь — Конституция куну

ҲўР ФИҚР, ЮКСАК ТАФАККУР МАҲСУЛИ

1992 йил 8 декабрда XII чақирик Республика Олий Кенгашининг XI сессиясида модда-модда овоз бериш йўли билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Президентимиз Ислам Каримов ақл-заковатининг маҳсули ва ҳалқимиз хоҳиш-иродасининг бирини ифодаси сифатида дунёга келди. Агар Конституция лойиҳаси устида икки йил давомида эи олиб борилаганини, у икки йрим ой умумхалқ муҳофазатидан ўтиб, халқимиз тафаккури дурдоналари билан бойитилганини эста олсан, Асосий Қўнунимизнинг ноқдор нуқсалигини аниқ-равшан тасаввур эста оламиз.

Бугунги ҳаётимиздаги ўзгаришларнинг барчаси Конституцияда белгилаб қўйилган олийжаноб мақсадларимизнинг инъикосидир.

Президентимиз таърифи билан айтганда, «жамиятга қўнун ва адолат устуворлигини ўрнатилиши ҳаётбахш манба» бўлган Конституциямиз ўз тузилиши, мазмун-моҳиятига кўра республикамизнинг аввалги конституцияларидан тубдан фарқ қилади. У Ўзбекистонни мустақил суверен давлат деб эълон қилди. Чинакам халқчилик, демократизм унинг мазмун — моҳиятига сингиб кетган.

Асосий Қўнунимиз мустақиллик берган овоз фикр маҳсули, олий юридик кучга эга бўлган ҳужжатдир. У инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқларини таъминлашнинг кафолати беради. «Ўзбекистон Республикасини фуқароси ва давлат бир-бирини нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституцияга ва қўнунларга мустақамлаб қўйилган ҳўқуқ ва эркинликларини дақсландир, улардан суд қарорисиз маҳкум этишга ёки уларни чеқаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас», — дейилади Конституциянинг 19-моддасида.

Конституциямизнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири шунки, у умуминсоний қадриятлар каторида халқимизнинг меҳр-оқибат, ор-номус, ифрат ва ҳаё, инсонийлик, муруват ва савобат каби бебаҳо миллий қадриятларини ҳам ўз мазмун-

моҳиятига сингдирган. Масалан, унинг «Оила» деб номланган XIV бобига кирган 66-моддасида шундай дейилади: «Воғта этган, меҳнатта лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналарига ҳақда гамаўрлик қилишга мажбурдирлар». Миллий қадриятларимизнинг бебаҳо хусусиятларини ўзида муҳасамлаштирган бундай модда том маънода беназирдир ва бизнинг миллий манфаатларимизга тўла мос келади.

Конституциямиз ҳақида гапирганда, халқимиз ҳаётда ҳақ йили тақорланиб турадиган муҳим бир анъанани аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим.

Агар 1996 йил 6 декабрда Ўзбекистон Конституциясининг 4 йилдаги бағишлаб ўтказилган тантанали маросимини эслайдиган бўлсан, Президентимиз Ислам Каримов шу тантананда 1997 йили «Инсон манфаатлари йили» деб эълон

шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдигаги масъулиятини кучайтиришда муҳим тарихий босқич бўлди ва бу жараён бугунги кунда ҳам тадрижий равишда ривожланиб бормоқда.

1998 йилнинг «Оила йили» деб эълон қилинишида ҳам Асосий Қўнунимиз билан мантқий боғлиқлик ва узвийлик мавжуд.

Энди Конституциямизнинг 63- ва 64-моддалари мазмунига эътибор берайлик: «Оила жамиятнинг асосий бутиндир ҳамда жамият ва давлат муҳофазатига бўлиш ҳўқуқига эга» (63-модда), «Ота-оналар ўз фарзандларини воғта еттуларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар» (64-модда).

Миллий анъаналаримизга кўра инсондаги ватанпарварлик, мардлик ва ҳалоллик, ор-номус, шарм-ҳаё, поклик каби қадриятлар оилада шаклланади. Ота-она ўз конституциявий бурчини бажарган экан, фарзанд тарбиясига, энг аввало, ана шу нуктага назардан ёндашмоғи, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган, оқил, доно ва билимли авлодни воғта етказиш учун қайғурмоғи лозим. Бу вазифаларнинг Конституция талаблари билан уйғунлашиб кетганлиги ҳаётимизни мазмунан бойитиш, ватан тараққиётига, эл фаровонлигига ҳизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

Янги замон ёшлари

«АМЕРИКАЛИК» НАСИМА

Кимёхон опа телевидорни кўйди. Президент Имом Каримовнинг Америкага сафари, у ерда ўқибган талабалар билан учрашуви ва суҳбат берилган экан. Қизиқчи томоша қилди. Ўртабосимиз «Ўзбекистон ёшлари — менинг фарзандларим», деган сўзларини эслаб, меҳри товланди. Омади қулган ёшларга, айниқса атлас кўйлак ва дўппи кийиб олган қизчага ҳаваси келди. Уша қиз ўрнига хаёлан ўзининг Насимасини кўйиб кўриб, юраги ҳақриқди...

«Шуларнинг ота-онаси қандай бахтли-я», дея ўйлади у. Хасия яна Фаргона давлат университетини чет тиллар факультетининг 3-босқичида тахсил кўраётган қизи Насимага кўчди. Кўпгина тенгдошлари қатори у ҳам «Халқаро маориф бўйича Америка Иттифоқи» дастури орқали Америкада ўқиш учун ҳужжат топширган, берилган анкета саволларига жавоблари 1-босқичдан ўтиб, 2-ва 3-босқичда имтиҳон топшириш учун Тошкентга чақирилган эди. Имтиҳонга она-бала бирига боришди. Натيجасини икки ой ўтгач, маълум қилишмоқчи эди.

Кечаги шабна Насима Фарғонадан шашти пастроқ қайтди. Ая, дугонани Дадага Тошкентдан телефон қилишди. Имтиҳондан ўтганини, — деди у. — Санитария факультетига ҳужжат топширган анана қиз ҳам... Кимё опа кўзлари гитиллаётган қизини юпатишга шошилди: — Сенга ҳам хабар келиб қолар, қизим. Яхшиси, дуншанба кўни бориб ўзинг телефон қилгин...

У қизини юпатган бўлдию, негадир юраги шув эди. Ахир, 12 та ўрин учун имтиҳон топширган тумонат ёшларини ўз қизи билан кўрган, ҳар бир виллоятга биттадан турги келар экан, деб кўнглидан ўтказган эди. Мана, Фарғонадан бир эмас, иккитаси ўтибди. Опа Тошкентдаги учрашуви, қизи билан апок-чапоқ рус қизи Дашани эсласи. Университетнинг иқтисодий факультетига ўқир экан. «Баракалла, Дада», — деди ичиди.

Кимё опа хаёлан Насиманинг боладик йилларини хотирлади. Ушанда туғуруқхонага кўрган борган турмуш ўртоғи Муртога Мирзаев «Қизча кимга ўхшайди?», деб сўраганди.

— Худди ўзингиз, қизи сизникидан ҳам монирроқ, — Ундай бўлса, исминини Насима қўямиз... Усмон Носир эсингизми? Катта опаси мактабга борганда Насима беш ёшда эди. Опаси «Алифбеининг қайси бетини ўқиса, у ҳам ўша сарифани очиб ўтирарверди. Шу тариқа саводи чикди. Қизини шундаки, уни ҳеч ким ўқитмади, ҳарфларини ўзи муштақил ўқиди. Ўқиди. Ота-она қизларини олти ёшда мактабга бердилар. Фарғона туманидаги 9-ўрта мактаб-

нинг 9-синфида ўқиб юрганида 1-иқтидорли болалар лицейига имтиҳон топширди ва энг юқори балл билан қабул қилинди. Лицейда барча фанларда «аҳо»га ўқиди. Устозлари уни дасаси каби филолог олим бўлади, она тили ва адабиёт факультетига кирди, деб ўйлаш эди. Лекин қизнинг иқтидори ва интилизларини ҳаммадан яқшироқ илғайдиган онаси унга чет тили факультетига киришни маслаҳат берди. Бу — Насиманинг қизиқлиқлари айнаи мос эди.

1996 йилда у энг юқори балл тўлаб, университет талабаси бўлди. Уртоқлари кундалик дарсларини зўрга ўзлаштиришса, Насима бўш вақт кўп дингидан зерика бошлади. Шунда дасаси уни компьютер дастури билан мактабга олиб бори. Бир йилда уни муваффақият-ли тугати ва компьютер билимини бўлди. Кейинги йилда эса ҳавасроқ хайдовчилар тайёрлаш курсида ўқиди. Мана эди, дасасининг «Тиконини бемалол хайдай олади. Насима факультетдаги энг илғор талабалардан бўлиб, турли кўрик-танловлар устаси ўтмасди. Шунча муваффақиятларга эришган қиз наҳотки бу имтиҳондан ўта олмас?!

Онанинг хаёларини машина сигнали бўлиб юборди. «Дада» келди, шекилли. Кимё опа ўрнидан туриб, турмуш ўртоғига пешов чикди. Муродил ака олатига эид равизида машинани ичкарига киргизди. Онанинг «Бирор жойга борасизми?» деган саволига қулиб: «Бирга борамиз», деб жавоб қилди. «Жуда қизиқ-да бу дасаси, одамнинг ичинини пиширмай айта қолса булади-ку», ўйлади опа. Турмуш ўртоғи шошилмас эди. Бир пас у ёқ-бу ёқдан гурунлашгач, ниҳоят секингина «Суюнчи беринг, аяси, Насима имтиҳондан ўтибди», деб хабар берди. Она-иор хурсандлигидан ўрнидан туриб йиғлаб юборди. Ахир, умидини узиб қўйган эди-я!

Икки қизлари шаҳарда туришди. Каттаси Шохина тарих факультетини тугатган, виллоят ақлия идорасида ишлайди. — Дасаси, Водил билан юриб, лицейдан Нозимани ҳам ола кетайлик, — деди кийиниб чикқан Кимё опа. Машина йўлга чикқач, 8 ёшли Моҳинур дасасини саволга тутди: — Опам Америкага қачон боради? Бир йилгача биз қандай чидаймиз? Шундагина Кимё опа яқинлашган айриликни қизи билан орадиқди. Кейин ўзинга тасалли берди. Чидайди-да. Бошқа йигит-қизларнинг ҳам оналари бор-ку? Ўзи айнан шунини оради қилмаганми? Ўтказганига шўкр. Улар талаба бўлган пайтларда Америкада ўқиш у ёқда турсин, бу мамлакат қақдада тузўкроқ маълумотга ҳам эга эмасдилар. «Қизил салтанат» ҳаммадан яқшироқ илғайдиган қора буюкча буюб кўрсатар эди. Аллақайсини талабани «Америка овозини» эшитганлиги учун ўқишдан хайдашгани ҳали-ҳали эсида. Кимё онанинг хаёлини яна Моҳинур бўлди:

— Дада, Америка ахшмини, Ўзбекистоним? — Инсон учун ўз Ватани ҳаммадон ахши, қизим! — Нега бўлмаса опам Америкага бормоқчи? — Чунки онанг инглиз тили бўйича өтук мутахассис бўлиши керак. Қолаверса, ўша ердан ўқитишнинг янги усуллари ўрганиб келиб, ўзимизда жорий қилади. Бу унинг Ватан олдидаги бурчи. БУРА... Ҳозирги ёшларнинг эл-юрт, Ватан, Президент олдидаги асосий бурчи ақшироқ бўлиши олиши ва муштақил Ўзбекистоннинг порлоқ келажоғига муносиб ҳисса қўшишдан иборат, эмасми?

— Дада, Америка ахшмини, Ўзбекистоним? — Инсон учун ўз Ватани ҳаммадон ахши, қизим! — Нега бўлмаса опам Америкага бормоқчи? — Чунки онанг инглиз тили бўйича өтук мутахассис бўлиши керак. Қолаверса, ўша ердан ўқитишнинг янги усуллари ўрганиб келиб, ўзимизда жорий қилади. Бу унинг Ватан олдидаги бурчи. БУРА... Ҳозирги ёшларнинг эл-юрт, Ватан, Президент олдидаги асосий бурчи ақшироқ бўлиши олиши ва муштақил Ўзбекистоннинг порлоқ келажоғига муносиб ҳисса қўшишдан иборат, эмасми?

Хайдорали УЗОҚОВ, Собиржон ДАДАХУЖАЕВ.

Қатра МЕҲР

Забонинг қоғоги очилмади. Барнохон турли хил ширинликлар пишириб ҳам, айланиб-ўргилиб ҳам қизчанинг кўнглини илтиломлади. Турмуш ўртоғи ишдан келгунча «йғи-сиги» ҳам қилиб олдидан бўлди. Нима қилсин, аввалги рўзгоридан бефарзандлик туйғулари ажралишганди. Шокир акага эса мана шу норасида қизча туйғулари, онаси-

нинг ўрнини билинтийрмай, болам дейман деган яқши ниятда турмушга чикқанди. Лекин, бу ўзи уйланган-чилик осон эмас экан. Барнохон қизчанинг ўрнига ўзини қўйиб кўрди-ю, унинг мурғак қалбига онасига бўлган меҳр-оқибатни сезиб, яндада меҳри товланди. Ҳеч ким йўғида Зебонинг онасининг суратини қўлга олиб, у билан тиллашмоқчи бўлди.

Суратга рақш қилиб эмас, ҳавас билан тикилди. Унинг шундай бир меҳрибон қизи борлигидан қувонса, оила бемаврид келтиб бўлиб қолганидан ачиниб туйди. Келтиб бахтининг ўрнини тўлдирши машаққат билан келтириши ҳис қилди. «Барбир муғрақина қалбга «она» сўзини ю қиламан, — дилдан ўтказди Барнохон. Токи, «ғайа» деган сўз ишлатилмасин. Оналик меҳрим Зебони бегубор болалигининг нури дамлирига қайтарсин...»

Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА, Андижон.

Ҳаётда шундай инсонлар борки, улар ўзгалар қувончга ташвиш, дарди билан яшайди. Улар ўзгаларга нофи тегвотганидан мамнун. Аслида-ку или иш осон иш эмас. Лекин касбинини астойдил севсанг ҳеч қандай машаққат ҳам сезилмас экан. Балки шу бондандир асли сабонлик Фотиқа Мавлонова бугунги кунда савсон ёшда ҳам талабаларга сабоқ бераётган ягона қоншунсо олима аёл, профессор.

УНГА таъриф берилдиган бўлса, кўпинча «биринчи бўлиб», «тинимсиз меҳнат қилган», «содиқ қолган» иборалари кўп ишлатилади. Бунинг сабаби бор, албатта. Ноёб касб эгаси Ф. Мавлонова тисмолида ўзбек аёллари ҳам энг оғир соҳада эркаклар билан бир қаторда туриб муваффақиятли иш олиб бориши мумкинлигининг шўҳиди бўламиз.

Фойдали қазилмаларни қазити, қонларни қидириш бўлиб то муҳандис номини олган Ф. Мавлонова илк тажрибалирини қирқинчи йил Қизилқия кўмири қониди ўтказганди. Ангренада янги карьер очини учун сафарбар қилинган қолхозчилар қўл усулида траншея қазитганда талаба Фотиқадан икки ой мобайнида қон устаси бўлиб ишлаб, ҳар бир бригада учун қазилган чуқурларнинг ҳажминини ўлчаб беради. Ушанда у юзлаб эркаклар ичиди бир ўзи эди.

Уруш йиллари талабалар Тошкент каналига сафарбар қилинганда у замбил қониди юқорига тоқ жинсларини ташиди. Сўнг Ленгер кўмири қониди, Шўрбўр шахталарида қончиларга раҳбар бўлиб, қон мастери ва-зифаларини бажарди, тинимсиз меҳнат қилди. Талабалик давридаёқ ўз мутахассислиги бўйича анча тажриба ортирган Фотиқадан диплом ишини аёло ба-ҳога ҳимоя қилди. Ёш мутахассис қирқ тўртинчи йили Ўрта Осиё шахталарини лойихалаш — Ўрта Осиё кўмири ташкилотига ишга

ўйланди. Бу ташкилот уруш вақтида давлатни кўмири билан таъминлаш учун тезкорлик билан шахталарини лойихалаш ишларини бажарар эди. Ф. Мавлонова ҳам бу ишларни бажаришга киришди. Шу тариқа илмий ишга замин ярала бошланди. Ўрта Осиё индустриал институти қошидаги аспирантурани муваффақиятли тугаллаган олима «Фойдали қазилма қонларини қазити олиш» каледрасида ишлаб бошлади. Қарий 50 йил мобайнида кичик

қувонч ва дадла, қолаверса, ўз соҳасининг жонқуяри бўлгани уни илм погоналарида янда юксакроқ кўтарилишига ундади. Бу даврда олима қатор илмий анжуманларда маърузалари билан қатнашди, кўргазмаларда бўлди. Қон мутахассислиги бўйича она тилимизда китоблар жуда кам бўлишига қарамай, тегишли атамаларини ишлаб, талбаларга ўзбек тилида маъруза ўқиди. Шахта ва карьерларда

да олима «Тоғ жинсларининг физик-механик хусусиятлари» номли дарслик ҳам тайёрлади. Унинг фойдали қазилмаларини ёпиқ ва очик усуллар билан қазити чикариши технологиясини мукаммаллаштириш, тоғ физикасини ҳамда Ўрта Осиё шароитида ишланадиган қонларда руй берадиган физик жараёнларни ўрганиш сингари илмий йўналишлари мавжуд. Шунингдек, Фотиқа Мухибона кўп йиллар давомида Ўрта Осиё шароитида қия жойлашган қалин қатламни қазитида пайдо бўлган масалалар билан шуғулланди. Бир неча йил мобайнида кўмири қонларини қазити оид масалаларни ечишда раҳбарлик қилди. Илмий-тадқиқот ишларининг натижаси илмий мақола, монографияларда ўз аксини топди.

Тоғ, қон, шахталарда тадқиқотлар олиб борган олима ўзининг ибораси билан айтганда «оиласини ҳаминча биринчи ўрнига қўйган». Умр йўлаши, машур олим, академик Фани Мавлонова билан бир сафда туриб тоғ-қон фанси ривожига муносиб ҳисса қўшди. «Домла тушунган инсон эдилар, — дед хотирлайди она. — У кишининг ўзи мени Зарафшон, Омаллик, Ангрена, Сулукота шахталарига олиб бориб, илмий ишларимга ёрдам берардилар. Ойлада, рўзгор ишлари ва фарзандлар тарбиясида ҳам ҳаминча иштирокчи бўлардилар. Бўлмаса шунча ютуқларга эриша оларимиди».

Ута қамтарин, меҳнатсевар Фотиқа она машаққатли касб эгаси бўлса-да, ўз касбинга содиқ қолди. У нафақат талабаларнинг севилими мураббийси, балки унлаб профессор-ўқитувчиларнинг устози ҳамдир. Биз, ҳамкасб шоғирлар устозимиз билан фахрланамиз ва уларга ҳаминча таҳассус қиламиз. Чунки Фотиқа Мавлоновадаги ёшларга хос гайрат-шижоат, фидокорлик қайи умуминсоний фазилатлар бизларга ўрناق бўлгуси.

Ҳабибулла АҚБАРОВ, академик, геология-минерология фанлари доктори, профессор.

КОНШУНОС ОЛИМА



Ўқитувчида профессор лавозимига кўтарилиди. Шу йиллар ичиди унинг бир қанча кўмири қониди қатламлар остида ўтказган тажрибалари, Кўзбасс бассейнидаги амалиётларга раҳбарлик қилгани, Шўрбўр, Қўкўнғок, Тошкўмири қони шахталарида талабалар билан баравар ишлаганларини энди гўё тушга ўхшайди. Техника фанлари номзоди илмий даражасини олганда нечоғли қувонганини айтмайсизми? Шу

кўп бўлгани учун талабалар билан ўтказилган амалиёт, курс ва диплом лойихаларига раҳбарлик қилди. Энциликда онанинг бевосита иштирокчида қаледра қониди илмий-тадқиқот ишларини бажариш учун фойдаланиладиган махсус лаборатория ва қонлар ташкил қилинган. Уларда очик усулда бажариладиган тоғ ишлари макетлари, чизмалар, асбоб-ускуналар мавжуд. Тинимсиз меҳнат натижаси-

ҲИҚМАТ

Ҳақиқатнинг захри ёлғоннинг асалидан яхши.

САВОЛ БИЗДАН...

Бугунги саволимиз тарихий ёдгорликларга оид. Ўзбекистонда шундай бир маскан борки, у кишилик тарихининг илк даврларига оид бўлиб, у ерда икки километр келадиган сла-нецалар сатҳида уч ярим мингга яқин расм бор. Топингчи, гап қайси петроглифлари ҳақида кетяпти? Жаобларини 136-35-60 телефони-га маълум қилинг.

КЕЧАГИ СОНДАГИ САВОЛНИНГ ЖАВОБИ: Атмосфера озони. Буни биринчилар қатори Тошкент шаҳридан Аб-дусотир Амиров, Дониёр Шарипов ва Умарали Худойбердиевлар топиб хабар қилишди.

«Даврархитектурилиш» қўмитасига қарошли пудрат савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш бўйича хўжалик қисбондаги Республика бошқармасининг НАВОЙИ ВИЛОЯТИ МАРКАЗИ

Тошкент шаҳри Миробод тумани ҳокимиятининг 1998 йил 17-мартдаги 160-сон-ли қарори асосида «Тошкент-Телеком» очик акциядорлик жамиятининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги дололатномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинди.

Микроширкатлар, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликларини раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ UZPROMMASHIMPEKS ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК ТАШҚИ САВДО КОМПАНИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси жамоаси В. Беганова қизи Анжеза ХУЖАЕВанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия иҳзор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ КЛИНИКАСИ ПЕРИНАТАЛ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ

Тўлиқ маълумот ва керакли хужжатларини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ишлар бошқармасидан соат 9.00 дан 19.00 гача 133-04-80, 133-69-12 телефон рақамлари орқали олишниш мумкин.

Микроширкатлар, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликларини раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси жамоаси В. Беганова қизи Анжеза ХУЖАЕВанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия иҳзор этади.

«ХАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, С. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁЕВ, О. ШОПЕЛОВ, О. ҚАШПЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ХОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92; Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65; Маънавият ва маърифат — 136-35-60; Газетхонлар билан алоқа ва минақалар — 136-29-89; 133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08; Янгиликлар ва халқор ҳаёт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 3115, 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базисда терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Набатчи котиб — А. ОРИПОВ. Набатчи муҳаррир — Г. ЙЎЛДОШЕВА. Набатчи — Ҳ. КАРИМОВ. Мусаҳҳаб — Ш. МАНРАББОВЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қўғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. 1 — тижорат материал.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилади — 21.45. 1 2 3 4 5 6

«Даврархитектурилиш» қўмитасига қарошли пудрат савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш бўйича хўжалик қисбондаги Республика бошқармасининг НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ